


ИШОНЧ

Ушбу сонда:

- 2 ҲУҚУҚИМИЗНИ БИЛАЙЛИК, УНИ ҲИМОЯ ҚИЛА ОЛАЙЛИК
- 3 17 НОЯБР — ТАЛАБАЛАР КУНИ
- 4 МАКТАБ ЯРАТГАН АЛЛОМА

• Тошгузор-Бойсун-Кумқўрғон темир йўл қурилишида



ТУТАШУВ УЧУН 43 КИЛОМЕТР ҚОЛДИ

2003 йилда "Тошгузор-Бойсун-Кумқўрғон" темир йўли қурилишига асос солинган эди. Утган вақт мобайнида мамлакатимиз жануби ҳисобланган Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган мазкур қурилишда кўз кўрмаган, қўлоқ эшитмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 2004 йил 6 октябрда бу улкан қурилишнинг Фузурдан-Дехқонбодга қадар бўлган 56 километри, 2005 йил 9 май кунда Сурхондарё вилояти томонидан қатнаш қисми Кумқўрғондан Бойсунга, аниқроғи Работ бекатида бўлган 59,1 километри фойдаланишга топширилган. Айни дамларда сўнгги бо-


қич — "Бойсун-Дехқонбод" йўналишида катта бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Бу тоғли худудларда 15 миллион куб метрга яқин тупроқ ва бургулаш-портлатиш ишлари бажарилиб, улкан тоғ чўққилари забт этилмоқда. Қир ва адирлар текисланиб, пўлат излар ётқизилмоқда.

— Мустақиллик иншооти, дея эътироф этилаётган ушбу қурилиш нафақат мамлакатимизда, балки Урта Осиёда ҳам янадир. Унинг умумий қиймати 450 миллион АҚШ доллари тенг. Узулиги 223 километрлик Олиб борилаётган қурилиш ишларида "Ўзбекистон темир йўллари" ДАКга қарашли юзлаб корхоналар-

нинг 4 мингга яқин ишчи-хизматчиларининг муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг сай-ҳарақатлари туфайли иншоотда бугунгача 4 та темир йўл бекати, 8 та разъезд, 18 та кўприк, 260 га яқин турли сунъий иншоотлар бунёд этилди. Албатта, бу улғу ишлар ҳуқуқимиз темир йўл қурилиши бунёд этиш учун отарлича маблағ ажратиб, қулай шарт-шароит яратиб берганилиги боис амалга оширилди. Бунда 110 та янги русумдаги "МАЗ-3303" машинаси, 4 та бўльдозер, 20 та экскаватор, 10 та Хитойда ишлаб чиқарилган "Шантуй" русумли қудратли техникалардан оқилона фойдаланилмоқда, — дейди

"Бойсун" темир йўл бекати бошлиғи И.Норкулов.

Ҳа, бугун узок йўллар яқин бўлди. Юрт мустақиллиги боис чирой очаетган даштларимизни, дилтортар манзарали тоғларимизни оралаб, неча минг одамлар меҳнати самараси ўлароқ Фузурдан-Дехқонбодга, Кумқўрғондан Бойсунга поезд келди. На-вбат сўнгги боқич "Бойсун-Дехқонбод" йўналишига. Бугунгача 108 километри бу масофанинг Сурхондарё томонидан 25 километри, қашқадарлик йўлсозлар 40 километри бунёд этишди. Туташув учун яна 43 километрлик масофа қолди, холос. Азим тоғларда қурувчи,



йўлсоз, бургулаш усталари, ҳайдовчилар матонат билан меҳнат қилишмоқда. Кўприк-соз, пўлат из ётқизувчиларнинг қўли-қўлига теғмайди. Ҳадемай Бойсундан Дехқонбодга поезд етиб боради. Темир йўллар туташади. Ушанда, кўмир, рангли металл руда, нефт-газ, минерал буюқлар ҳамда энгил керамзитга бой, битмас ва туганмас ер ости бойликлари аёга бўлган Бойсун ва Дехқонбод дараларидан тиним бил-

май темир гилдиракларнинг товуши эшитилиб, поездлар ўтаверади.

Эҳтимолки, ҳадемай тоғ ён бағри ашёларини қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган жаҳонга машҳур корхоналар қурилади. Шу кунгача тиркичилиги чорва билан ўтаётган одамлар мустақил юртимиз санъатини янада бой-тадилар.

Рустам ДАВЛАТОВ,
"Ишонч" муҳбири

• Хабарлар

КАМ ТАЪМИНЛАНГАНЛАРГА ОМОНАТ ДАФТАРЧАЛАРИ

Хоразм вилоят касоба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан кам таъминланган оилалар мунтазам равишда моддий ва маънавий рағбат-лантирилиб келинмоқда. Ҳар бир байрамда улар ҳолидан хабар олинмоқда. Масалан, Янги йил, Наврўз, Қурбон ҳайит ва Мустақиллик байрамларида кам таъминланган оилалар, ўзгалар парваршига муҳтож бўлган ёлғиз кесалар, пенсионерлар, ногиронлардан 2296 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди.

Рамазон ҳайити арафасида бирлашма раиси ўринбосари Одамбой Болтаев кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз оилалар, ногиронлар, кизмат вазифасини ўтаётганда ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари оилаларидан 20 нафарининг ҳар бирига 20 минг сўмдан қўйилган омонат дафтарчалари топширди.

ВАТАННИ КУЙЛАШ САОДАТИ

Қалбида илҳом жўш урган ҳар бир инсон Ватан ҳақида куйлашни орзу қилади. Бу азалий ва абадий мавзун ҳар бир ижодкор ўзича талқин этади. Зеро, бу мавзудаги ҳамма асарларнинг бир ўйун жиҳати бор. Яъни, уларнинг барчасида Ватанга муҳаббат акс этади.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси таълим ва фан ходимлари касоба уюшмаси кенгаши томонидан таълимнинг иккинчи босқичи ўтказилди. Унда барча туманларда голиб чиққан ҳаваскор рассомлар, шоирлар ва ашулачилар иштирок эттишди.

Боғча тарбиячилари, мактаб, коллеж, лицейлар ўқитувчилари ва талабаларидан иборат қатнашчилар ҳакамлар ҳайати ҳукмига ўларнинг қатор асарларини ҳавола қилдилар. Натижаларга кўра ҳар бир йўналиш бўйича голиблар эълон қилинди. Расм чизишда қораўзаклик Абулмасин Турдимуротов биринчи, ҳужайилик Камолиддин Хўганиёзов ва амударёлик Гулнара Ортиқова иккинчи, Нукус туманидан Қурбонбой Қарапов учинчи ўринларни эгаллашди.

Шеърят таловида Хужамат Саидматов биринчи, нукуслик Гулдариша Уразимбетова ва тахтақўйлик Гўлбахор Темирбекова иккинчи, Туманберди Бекматов учинчи ўринларни соҳиб бўлишди. Ашулачилик таловида Нукус Давлат университетини қошидаги академик лицей ўқувчиси Нукус Мелиорация биринчи, ҳужайилик Азиза Ойназарова, Расул мелиорация ва сув ҳўжалиги коллежи талабаси Гулзира Орзиевалар иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўдилар. Голиблар "Фахрий ёрлик"лар ва қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

Муҳаббат ТУРАБОВА,
"Ишонч" муҳбири

• Журналистлар муаммо кўтардилар

Касаба уюшмаси фаол бўлмагач...

Мактаб остонасидан кириб кўзимиз яхши сугурилмаган йўллар, шувғи кўчи ётган биноқ деворларга тушиб. Бошланғич синф ўқувчилари ўқийдиган синф хоналари олдида дастлабки таассуротларимиз холва бўлиб чиқди. Рамакитон хоналар, Попплар тешик, номига ямалган. Парталар эски. Аҳвол шундай янглики, бир синфдаги ўқитувчи ўтирадиган стулнинг бир оёғи синиб ётгани, бир амаллаб ёпиштириб қўйишди...

Кўра туманидаги 38-умумий ўрта мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси Гулсара Мамажоновна шундай дейди: "...Мактаб илмий бўлим мудири М.Уктамова ўқитувчилар ичиде нафсониятга тегиб, қадр-қимматини топтади, булар-бўлмас иво гапларни тарқатиб юрибди. Узим, оилам, фарзандларим шавнига доғ туширмоқчи бўляпти..."

Мактабдаги мухит яхши эмас. Суиестемолчилик, ўзлаштиришлар рўй бермоқда. Шулар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан бирига шикоят ёзган эдим. Шу сабаб бўлиб менга тўхмат тошини отишяпти..."

Туман халқ таълими бўлимида Г.Мамажоновна яхши тавсиф беришди. 24 йилдан бери ижодкор муаллима сифатида фаолият юриб келаятган, бошланғич синфлар ўқитувчилари учун методик қўлланма яратгани, бошланғич синфларда магнитлаштирилган харита асосида даро ўтиш тажрибаси республикада омаллаштирилгани ва яна қатор ибратли жиҳатлари ҳақида билиб олдик. Мактабдаги ҳамкасблари ҳам унинг ўқитиш методикаси, тажрибаси бойлиги, изланувчанлиги ҳақидаги фикрларини тўшунтириш хатлариде ифода этишди. Фақат адолатпарварлиги, ўз ҳақини талаб этганилиги учун асосан мактаб илмий бўлим мудири М.Уктамовага ёқмай қолган.

Шундан сўнг 2006 йил бошланғичида М.Уктамова томонидан туман ҳокимлигига хат уюштирилди. Хатда мактабдаги мухитни яхшилаш ҳақида гап борган эди. Ишонувчан ўқитувчилар хатга имзо қўйиб беришган. Таассуфли жой, ўқитувчилар имзо чеккан хат мазмунини ўзгартирилган, аниқроғи Г.Мамажоновнага қора чаглаб ёзилган гаплар киритиб қўйилган. Бу фикримизни ўша хатга имзо чеккан ва оқибатда алданми қолган И.Мамажонов, М. Нишонов, Т.Мамадалиева, Х.Обидова каби ўнлаб ўқитувчиларнинг сурштирув даврида ёзиб берган тўшунтириш хатларига таянган ҳолда айтаяптиз. Бунга ҳам майли дейлик. Туман ҳокими номига ёзилган хат юзасидан мактаб жамоаси ўртасида ўтказилган йиғилиш жанг-жалга айланми кетди. Хатдаги

бўлмагач...

Ўки бир мактабдаги "Ада-деди"лар оқибати

Г.Мамажоновна ҳақидаги гаплар муҳокамага қўйилганда, М.Уктамова ва яна бир-икки нафар ўқитувчилардан бошқа ҳамма ҳайрон бўлди. Г.Мамажоновна кўпчилик ҳўйма қилди. Шунда режиси амалга ошмай қолган М.Уктамова Г.Мамажоновна куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила кетади. Бизда бунга гувоҳ бўлган ўқитувчиларнинг кўрсатмалари мавжуд.

2006 йил апрел ойида туман прокуратурасига фуқаро Г.Мамажоновна томонидан ёзилган шикоят бўйича туман молия бўлими мутахассиси томонидан мазкур мактабда текшириш ўтказилди. Текшириш далолатномасида кўрсатилишича, М.Уктамованинг ишлагани фарзанди М.Солиевага 2004 йил февралда 229215 сўм маблағ ноқонуний тўлашишга йўл қўйилган. Бундан ташқари, касаллик варақасида бўлган ўқитувчи Ш.Аҳмадалиевага 2006 йилнинг дастлабки икки ойида иш ҳақи тўлиқ ёзилганили аниқланган. Қонун талаблари бузилган бундай ҳолатлар яна мавжуд. Масалан, 2006 йил 18 апрел кунини мактаб педагогик кенгашининг 23 нафар ўқитувчига оиллик устамалар белгилангани ҳақидаги қарори чиқарилган. Кенгашдан олт-талпарварлиги, ўз ҳақини талаб этганилиги учун асосан мактаб илмий бўлим мудири М.Уктамовага ёқмай қолган.

Шундан сўнг 2006 йил бошланғичида М.Уктамова томонидан туман ҳокимлигига хат уюштирилди. Хатда мактабдаги мухитни яхшилаш ҳақида гап борган эди. Ишонувчан ўқитувчилар хатга имзо қўйиб беришган. Таассуфли жой, ўқитувчилар имзо чеккан хат мазмунини ўзгартирилган, аниқроғи Г.Мамажоновнага қора чаглаб ёзилган гаплар киритиб қўйилган. Бу фикримизни ўша хатга имзо чеккан ва оқибатда алданми қолган И.Мамажонов, М. Нишонов, Т.Мамадалиева, Х.Обидова каби ўнлаб ўқитувчиларнинг сурштирув даврида ёзиб берган тўшунтириш хатларига таянган ҳолда айтаяптиз. Бунга ҳам майли дейлик. Туман ҳокими номига ёзилган хат юзасидан мактаб жамоаси ўртасида ўтказилган йиғилиш жанг-жалга айланми кетди. Хатдаги

Бизни яна бир ҳол таажублантирди. Мактаб илмий бўлим мудири М.Уктамова туман халқ таълими бўлими мудирининг 2006 йил 7-февралдаги 12-сонли буйруғига асосан ишдан озод этилиб, 2006 йил 17 февралдаги 15-сонли буйруғи билан яна ўз ишига қўйилган. Бунинг сабабини муаллимлар турлича изоҳлашяпти. Гўёки бу мактабдаги камчиликлар туман халқ таълими бўлимидаги айрим ходимларга ҳам алоқадор ва ҳўкзо.

Шикоятчи аризасида, мактабда 2003-2006 ўқув йилларида ўқитув-

• «Ишонч»га жавоб берадилар

Газетамизнинг шу йил 7 октябр сониде юқоридаги сарлавха остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Унда пойтахт бозорларидаги баъзи камчиликлар кўрсатиб, ўтилгани. Яқинда ушбу материал юзасидан мутасадди раҳбарлар имзоси билан жавоб хати олдик. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Қўйлик деҳқон бозори" акциядорлик жамятидан олинган расмий маълумотга мувофиқ мақолада кўрсатилган ҳолатларни бар-тараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, туман Давлат солиқ инспекциясининг бозордаги таянч пункти ходимлари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда аниқ ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган давр ичиде ноқонуний равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаятган 7 нафар фуқароларнинг 362 минг сўмлик қартошка маҳсулотлари мусодара қилиниб, туман суди томонидан уларнинг ҳар бири 54 минг сўмдан мазмўрий жазимаси тортилди.

Хўзирги кунда бозор худудида маҳсулот етиштирувчи деҳқон ва фермерлардан қишлоқ ҳўжалари маҳсулотларини харид қилиб, бозорда сотиш билан шуғулланувчи 64 нафар фуқаролар мавжуд бўлиб, улар расм рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатишмоқда.

Бундан ташқари, пойтахт аҳолисини арзон ва сифатли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда бозорлардаги нархларнинг сунъий равишда ошиб кетишини олдини олиш мақсадиде уюшма тизимидаги барча деҳқон бозорларида ушбу масалада белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда. Хўсусан, акциядорлик жамятлари вилоятдаги фермер ҳўжаликлари билан тўғридан-тўғри маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан қўллаб-қўллаб турибди.

Мазкур мақолада энг долзарб муаммо ва камчиликлар кўтарилган. Ҳақиқатан ҳам аксарият бозорларимизда "олибсотарлар" қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари нархнинг кескин кўтарилиб кетишида асосий ролни ўйнамоқда.

Бирок, мақолада қайд этилганидек, ҳар гектар қартошка экилган майдондан 30-70 центнергача эмас, 300-350 центнергача қартошка ҳосили олиш мумкин.

Шунингдек, "ўн бир йилдан бери четдан қартошка уруғ келтирилмади" деган фикр масаласида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлигининг 2006 йил 10 мартдаги юқори репродуцияли уруғлик қартошка келтириш ва экиш тўғрисидаги топшириғи бўйича ҳўзирги йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга четдан 5187 тонна ушбу маҳсулот келтирилди. Республика бўйича 933 та қартошка уруғчилигига ихтисослашган фермер ҳўжаликлари ташкил этилиб, 1375 гектар майдонга экилди. Дастлабки ҳосилдорлик апробациялари натижаларига кўра, жойларда юқори репродуцияли қартошка экилган ҳар гектар майдондан 300-320 центнергача ҳосил етиштирилган.

Маҳаллий навлар масаласида, Республика мустақилликка эришганидан сўнг қартошка селекцияси билан шуғулланувчи илмий ташкилотларимиз томонидан 8 та ("Ақраб", "Бахро-30", "Бардошли-3", "Зарафшон", "Кувонч 1656М", "Тўйили", "Умид",

"Ҳамкор-1150") маҳаллий шароитга мос қартошка навлари яратилиб, районлаштирилди. Ҳўзирги кунда ушбу навларнинг уруғини кўпайтириш учун тоғли худудларда бирламчи уруғчиликни ташкил этиш юзасидан ишлар олиб боришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабза-вотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан аҳоли гавжум яшайдиган худудларда домий қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотувчи дала-дўкон шохобчаларини ташкил этиш бўйича режалар ишлаб чиқилди. Унга кўра, Республика бўйича 2006-2010 йилларда 1161 та, шу жумладан, 2006 йилда 274 та дала-дўкон ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, ҳўзирги йилнинг 9 ойлиги ақунлари бўйича 210 та шундай шохобчалар ишлаб турибди.

Ҳўзирги кунда барча бозорлар қошида ва аҳоли гавжум яшайдиган жойларда дала-дўкон ҳамда савдо расталари фаолият кўрсатмоқда. Уларни ташкил этишдан асосий мақсад шаҳар аҳолисининг барча қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ҳамда баҳоси кескин ўзгариб туришининг олдини олишдан иборатдир.

Мазкур шохобчалар қишлоқ ҳўжалиги

"Олибсотар ҳам картошка ЕЙДИМИ?"

дид олиниб, етиштирувчи ҳўжаликларга бунқ сифатида ўтказиб берилиди. Ҳўзирги кунда ушбу шолени гуручга айлантириш ишлари бошлаб юборилган.

Ҳўзирда бозорлар томонидан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари (қартошка, пиза ва бошқалар) захираси тайёрланмоқда. Бу эса қиш мавсумида бозорлардаги нархларнинг сунъий равишда ошиб кетмаслигини олдини олади.

Р.ИНОФОМОВ,
"Тошбозортайёрловасавдо" уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари

• Ахборот

Касаба уюшмасига аъзоликнинг афзалликларини асослаш муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бу вазифа Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг IV курултойида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Тошкент шаҳар маданият ходимлари касоба уюшма Кенгашининг навбатдаги пленумида ҳам шу масала атрофи-

да, Бунинг натижаси ўлароқ кейинги вақтда аъзолар сонини сезиларли даражада ошиди.

Шунингдек, пленумда Тошкент шаҳар тармок кенгашининг 2005 — 2006 йилларда касоба уюшма бюджети ҳамда ижтимоий сугурта маблағларидан қандай фойдаланилаётганилиги ҳамда шўнга ўқиниб бир қатор долзарб муаммолар атрофида муҳокама этилди.


Уа муҳбиримиз

АЪЗОЛАР СОНИ КўПАЙМОҚДА

лиҳа таҳлил этилди.

Ҳўзирги кунда шаҳар кенгаши тизимида 304 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар ўз атрофида 34 минг нафарга яқин аъзони бирлаштирган. Юқоридаги вазифани тўлақонли бажариш учун меҳнат жа-

Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллиги олдидан



Баъзан "фалон буюми харида қилган эдим, сифатсиз чиқиб пулига қўйиб қолдим", "фалончига айтган хизмат ҳақини тўласам-да, ишни қоникарсиз бажарибди, энди яна қайтадан пул тўлашга тўғри келади" қабилидаги гап-сузлар қулқоқ чалиниб қолади. Кундалик турмушимизда учраб турадиган бу каби муаммоларни кимдир қонунни билмаганидан бар-тараф этолмас, кимдир қонунни билса-да, ҳарқалайсизлик билан қўл силтаб бўлади. Натижанда бундай тўсиқларга тез-тез дуч келинади. Ваҳоланки, бироз эътибор, кўнгил билан бу каби муаммоларнинг ечимини топиш мумкин. Бу ерда гап юртимизда мавжуд қонунлар ти-

Ҳуқуқимизни билайлик, уни химоя қила олайлик

Хар бир қонун ижроси билан муқаммал, деган сўзни жуда кўп қўлаймиз. Бинобарин, ҳаётни тугиб турадиган устунлардан бири ҳам адолат мезони бўлиб, у фақат қонунга ҳурмат асосида вуқудга келади. Инсон инсондек яшashi, эркин меҳнат қилиши, жамиятда ўз ўрнини топиши ҳамда бевосита жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлиши учун аввало, ҳаётда адолат тамойиллари барқарор бўлиши зарур. Бу тамойил бузилган жойда эса, шубҳасиз, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларига путур етади.

кафолат муддатиди синиб қолгани ҳақида айтиб ўтади. Ариза бошқарма ходимлари томонидан хусусий тадбиркорни жалб қилган ҳолда ўрганиб чиқилди. Муаммо ҳал этилиб, техник асбоб янгисига алмаштириб берилди.

Сўраган экансиз...

Қандай ҳолларда ўқитувчи аттестациядан ўтмасдан тоифа олиши мумкин?
Р.АБУЛҒАЙЗ,
Узун тумани

Малака тоифаларини беришда педагог кадр маълумотига қўйиладиган талаблар:
— педагог кадрга мутоақасси тоифаси унда бақалавр даражаси тўғрисидаги ёки олий маълумотга эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом мавжуд бўлгандагина аттестациясиз берилади;
— фан номзоди ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган педагог кадрларга олий малака тоифаси агар у камида уч йиллик педагогик иш стажига эга бўлса, аттестация ўтказилмасдан берилади, қолган ҳолларда биринчи малака тоифаси берилиши мумкин.

ҚОНУННИ БИЛМОҚЛИК

ўзни ҳурмат қилмоқликдир

теъмолчи ўзининг бузилган ҳуқуқи химояланишини сўраб тегишли идораларга муурожаат қилиши лозим. Шунини билиш керакки, истеъмоличларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун асосида химоя қилинади. Монополиядан қимчириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Давлат стандартлаш, метрология ва сертификатция маркази, Соғлиқни сақлаш вазирилик, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда «Истеъмоличлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари риюя этилишини ўз ваколатлари доирасида назорат қилувчи бошқа давлат идоралари истеъмоличлар ҳуқуқларини химоя қилиш учун махсус ваколатга эга

бўлиб, қонун бузилиши ҳолатларида улар истеъмоличларнинг ақин қўмақчиси ҳисобланади. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида ҳам бу борада кегг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бошқарма аралашуви билан истеъмоличларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланаётгани фикримиз исботидир. Жумладан, савдо хизмати бўйича Мирзо Улугбек тумани Яланғоч мавзесидаги 81-уйнинг 17-хонадонидида истиқомат қилувчи Л.Парамонов ариза билан муурожаат қилади. Истеъмоличи ўз аризасида хусусий тадбиркор Н.Х.Ғайзиёвага қарашли савдо дўконидан 97600 сўмга техник асбоб сотиб олгани ва асбоб

Истеъмоличи кўрсатилмаётган хизматдан қоникмаганда ёхуд ҳақ тўланган бўлиб хизмат кўрсатилмаган тақдирда ҳам ўз манфаати химоя қилинишини сўраб муурожаат қилган ҳолатлар ҳам учраб туради. Масалан, Мирзо Улугбек тумани Марказ-1 мавзеси 14-уйда яшовчи истеъмоличлардан тушган аризада иссиқлик таъминотида муаммолар юзга келмаётгани ҳақида баён этилган. Аризада айтиб ўтилган муаммолар бошқарма томонидан «Тошиссиққувват» ишлаб чиқариш бirlашмасининг маъсум ходимлари жалб қилинган ҳолда ўрганиб чиқилди. Натижанда бирлашма томонидан 2004-2005 йилларда кўрсатилмаган хизматлар учун 900036 сўм миқдорда маблағ қайта ҳисоб-китоб қилиниб, истеъмоличларга қайтариб берил-

Ҳидоят ЖўРАЕВА,
«Ишонч» муҳбири

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалалари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙЛИК ВА УМУМБАШАРИЙЛИК

Мазкур 2-жуман Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсадида ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги Қарор мувофиқ ўтказилди. Ушбу конференцияни ўтказишдан мақсад халқаро ҳуқуқий нормалар ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътирофи этилган принципларини Ўзбекистон Республикаси томонидан баҳарлини самарадорлигини ошириш механизминини янада тақомиллаштиришдир. Муस्ताқиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси қарий 190 дан ортиқ кўп томонлама халқаро шартномаларга қўшилди, мингдан ортиқ давлатларро, ҳукуматларро ва идораларро шартномаларни имзолади. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга риюя этиб, уларни самарали бажариб келмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият олдидидаги нуфузини янада оширишда ижобий омил ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномаларни бажариш, шу жумладан, унинг нормаларини миллий

қонунчиликка имплементация қилиш учун қонуний асослар яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида халқаро ҳуқуқнинг деярли барча умумэътироф этилган нормалари ва принциплари ўз ифодасини топган. Конференция қатнашчилари таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикасида халқаро нормаларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиш амалиёти ушбу соҳада олиб борилаётган илмий фаолиятдан илгариллаб кетганлиги, яъни халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка қўллаш масалаларига доир илмий тадқиқот ишларига етарлича эътибор берилмаётгани эътибор этилди. Хусусан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида халқаро ҳуқуқий нормалар, яъни шартномавий, халқаро одат нормалари ва халқаро ташкилотларнинг мажбурий резолюцияларидан фойдаланиш бўйича махсус адабиётларнинг етишмаслиги ҳам қайд этилди. Шунингдек, иштирокчилар имплементация институтининг долзарб назарий ва амалий муаммоларини таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро шартномаларни бажарилишининг таъкидлий-ҳуқуқий

механизминини ва давлат ҳокимияти органларининг халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш билан боғлиқ фаолиятини тақомиллаштириш ҳамда ушбу соҳада хорижий давлатларнинг илгор тажрибасини ўрганишини янада кучайтириш хусусида фикр билдирди. Илмий-амалий конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимлари, олий ўқув юрталарининг профессор-ўқитувчилари иштирок этиди. Конференцияда Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнини тақомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, давлат бошқаруви органлари ҳамда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида халқаро ҳуқуқий нормаларни имплементация қилиш жараёнини тақомиллаштиришга қаратилган амалий таъсирлар ишлаб чиқилди.

Роза САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» муҳбири



Сирдарё вилояти ИИБ ЙҲХБ йўл-патрул хизмати ходимлари кўчалар ҳамда автомобил йўлларидида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида талайгина ишларни амалга оширишмоқда. Хусусан, «Дикқат, пидея!», «Темир йўл кесимаси», «Трактор» каби профилактик тадбирларнинг ўтказилиши ўзининг ижобий самарасини бераётган. Шунингдек, мактабларда, қорхона ва ташкилотларда, қолаверса, кенг жамоатчилик ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Бундай тадбирларда бошқармаларнинг 3-сафарбарлик гуруҳи шахсий таркиби, айниқса, фаоллик кўрсатиб келишмоқда.

Суратда: ЙҲХБ катта инспекторлари, (чапдан) майор Фуркат Раҳматуллоев, капитан Мурод Султонов ҳамда катта сержант Тўлқин Буранов ўзаро маслаҳатлашмоқда.

Аброрхўжа Акбаров тенгқурлари сингари тинчгина ўқиб, келажак овозларни қанотидида юксакларга интилиб яшаш мумкин экани. Аммо қонунни бул билан пул топишни афзав билди. Таваққулига ўтди. Тошкент шаҳрининг С. Раҳимов туманида таваққулига ўтди. 2-уйнинг 29-хонадонига қўлла-қўлуз қилинган таваққулига ўтди. Аброрхўжанинг гаравли ниятидан бекхўбар Фаррух Раҳимов уни шубҳа, гумонларга қарши олди.

ЕНГИЛЛИК БЕРИЛДИ

Ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди

судининг апелляция ҳайъати иштирокида иш қайта кўриб чиқилди. Прокурор протестида А. Акбаровга нисбатан чиқарилган суд ҳукминини ўзгартириб, унга нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш масаласи қўйилди. Шунга асосан, судланувчига нисбатан тайинланган жазо урнига ЎзРЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, 2 йилга синов муддати берилган қарор қилинди. Конституцияда хар бир кишининг химояланиш ҳуқуқи қафолатланади. Қондага кўра, шахонинг бу ҳуқуқи адвокатлар орқали

«в» бандидан 109-модданин 2-қисмига қайта маълақаланиш ва унга нисбатан ЎзРЖКнинг 44-моддасини қўлланган ҳолда жарима қўласини тайинлашни сўраган. Шунингдек, жабрланувчининг қонуний вакили Г. Сафоева ҳам А. Акбаровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш лозимлигини таъкидлаган. Мамлакатимизда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берилган қаралди. Жумладан, «Ўзбекистон Респуб-

ликасининг давлат ёшлар сийасати асослари тўғрисида»ги қонунда республика миёз ёшлари тўғрисида гахмурилик қилиш, уларнинг хар томонлама, ижтимоий-сийсий, ҳуқуқий шароитла-

Ишончини сунистеъмом қилманг

Мисол учун тумандаги «Вангози» кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Тожиқон», «Пахтаобод», «Хафқорён» ва «Вангози» маҳалла фуқаролар йиғинларида 16 (18) ёшгача воға етмаган боласи бор оналарга нафақа таъинланиши бўйича махсус комиссия ташкил этилган бўлса-да, нафақа учун тақ-

қилиб белгилаб, фарзандлари учун 9400 сўм нафақа олиб келган. «Пахтаобод» маҳалласи «Талиумар» кишлоқлик фуқаро Н.Тўхтаева, «Вангози» маҳалла фуқаролар йиғинидан фуқаро С.Аннакуловлар ҳужжатларни сохталаштириш хисобига хар бири давлатнинг 9.400 сўмдан нафақасини олиб ке-

лишган. Ваҳоланки, бундай ёрдамга муҳтож кўп болали оилалар кўпчилики ташкил этади. «Тожиқон» маҳалласида яшовчи фуқаро Хурсанд Рўзиев 2 нафар воға етмаган болаларига нафақа олиш учун йиллик ўртча даромадинини 12977 сўм ўрнига, 12404 сўм

диган нафақани қўлга киритиш мақсадида тақдим этилган маълумотномани сохталаштириб, ойлук иш ҳақи даромадларини қарий 2,5-3 бараварга кам қўрсатиб, «Фуркат» маҳалла фуқаролар йиғини маъмуриятини жалғитиб ўтирибди. Фаоллар эса буни сезиб туриб, жим келишмоқда. Текшириш натижаларига кўра, 3 та жиноий иш қўзғатилиб, 27 нафар фуқародан 1.149.146 сўмлик зарар ихтиёрли равишда ундирилди. Туман ҳокими номига қонун бузилишларини келтириб чиқаришда қарор ва шариотлар, унинг олдини олиш юзасидан тақдимнома киритилди. **Зафар РИЗАЕВ,**
Қизилтепа туман прокурори

ҲАММА НАРСА ИНСОН МАНФААТИ УЧУН

Конституциямизга кўра, хар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шариотларида ишлаш, ўз шакли ва оубрусига қилинган тажовулардан, шахсий ҳаётига аралашидан химояланиш ва турар-жой дахлсизлиги ҳодисалар билан қанча ҳуқуқларга эга. Ҳаёт қутулмаган тасодифларга тула, иш берувчининг эътиборсизлиги натижасида инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган кўп қўнғилсиз, тасодифий ҳодисалар юзга келиши мумкин. Меҳнатқилар ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ бундай қўнғилсиз ҳолатларнинг олди олиниб, келтирилган моддий ва маънавий зарарлар ўз вақтида ундирилмоқда. Давоғарлар Иқромжон Боқиев, Аъзамжон Позилов ва Жақбарали Хайитбоевлар жавобгар Олтириқ туман 78-ХМҚга нисбатан «Товон пулини ундириш ҳақида»ги даъво аризаси билан муурожаат қилишди. Унда Чернол АЭС қанотқилар оқибатини бартараф этишга юборилганликлари ва бартараф этиш вақтида атом радиациясидан нурланиш қасалига қалинган учун 2-гуруҳ ноғирони бўлиб қолганлиги сабабли

И.Боқиев 715 миң 117 сўм, А.Позилов 669 миң 135 сўм ва Ж.Хайитбоев эса 756 миң 610 сўм товон пули ундиришни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарларнинг даъво аризалари қаноатлантирилди ва қорхонадан товон пуллари ундириб берилди. Давоғар Норқўзи Тўйчиев жавобгар Фулом Шодмоновга нисбатан автоавари натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарини ундириш ҳақида даъво аризаси билан муурожаат қилган. Суд аризани урганиб чиқиб, ҳал қилув қарорига асосан 75 миң сўм моддий зарар ундирилди. Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманларо суди фуқароларнинг қонуний манфаатларини химоя қилиб, кишиларнинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарарларини ундириш борасидаги ишларга бундан кейин ҳам алоқида эътибор қаратиб боради.

Сулаймонжон АҚБАРОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманларо судининг судъёси


Д. МАДЕНОВ,
Республика Бош прокуратурасининг бошқарма прокурори




Қашқадарё вилоят Таълим ва фан ходимлари касба уюшма кенгаши



*Ўзбекистондаги барга талабаларни
17 ноябр – Халқаро талабалар
куни муносабати билан самимий
муборакбод этади.*



*Келажакимиз бунёдкорлари, эртан-
ги кунимиз умиди бўлмиш сиз
азизларга мустахкам соғлиқ, илм
ўққиларини забт этишдек машақ-
қатли йўлда омад тилаб қоламиз.
Орзулариниз ҳамisha йўдошиниз
бўсин!*





БОШ МУХАРРИР

Абдухолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир ҳайъати:

Алла Долженкова,
Виктор Зверев
(бош муҳаррир ўринбосари),
Маъмура Адилова,
Мирзохид Содиков,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримкул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шавкат Абдуллаев,
Шамси Эсонбоев,
Элёр Ёқубов,
Ғулмоққор Юсупов

Бизга кўнғирок
қилинг:

Котибият

153-52-78

Бўлимлар

Касаба уюшмалари
ҳаёти бўлими:
153-87-63Ижтимоий-иқтисодий
сиёсат бўлими:
153-87-74Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими:
153-87-73Миллий-маънавий
кадриятлар ва спорт
бўлими:
153-82-79Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш бўлими:
153-85-43Реклама ва эълонлар
бўлими:
153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:

700165, Тошкент
шаҳри, «Бухоро»
кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи:
133; 134E-mail:
ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг

сешанба,
чоршанба,
жума ва шанба
кунлари чиқади.Набатчи котиб -
А.Ллалмуродов
Набатчи муҳаррир -
Ш.Норкулова
Набатчи - Р.Сайдахмедова
Мусахҳох - А.ЕрбековСаҳифаловчи-дизайнер:
Ю.Михайловский«Шарқ» нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси
босмаҳонасида
чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
035-рақам билан
руйхатга олинган.IBM компьютерда
терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ,
Сотувда эркин нархда.Босишга топшириш
вакти - 21.00,
Топширилди - 20.30

Буюртма Г— 1315

Тиражи: 7553

Хотира уйғонса гўзалдир

1989 йилда эндокринологларнинг курултойида ўша вақтда ёш олим, ҳозирда эса украиналик машҳур академик Сергей Комиссаренкодан интервью олишимга тўғри келганди. Мен суҳбат асосида ундан конференцияда энг яхши маъруза қилган олим ҳақидаги фикрини сўраганимда, тўққинлиб:

— Албатта, сизнинг Ёлқин Тўрақуловнинг маърузаси кўпчиликда ниҳоятда зўр таассурот қолдирди, — деган ва унинг одамийлик ҳислатларидан гап очиб, бир неча ўн йиллардан бери отаси билан Ёлқин Тўрақуловнинг ижодий ҳамкорлиги тўғрисида жўшиб сўзлаган эди.

Ўзбекистон, балки бутун жаҳон эндокринологлари ичида ажралиб турганлиги учун ҳам ўзига хос мактаб яратди.

Бўлғуси олим 1916 йили Жамбул вилоятининг Мерка шаҳрида таваллуд топди. 1931 йили Наманган шаҳридаги ўрта мактабни тугатди. Билимга чанқоқлик уни Тошкент шаҳрига етаклаб келди. Шу йилнинг ўзидаёқ Тошкент меди-



Архив

аъзоси, 1966 йилда академги этиб сайланди.

1976 йилдан бошлаб, республика эндокрино-

шогирд яхши одамнинг кўлига тушса гул бўлади, ёмон одамнинг кўлига тушса кул бўлади. Устоз ўз ҳаётлари давомида шогирдларидан гулдаста ясаб кетдилар. Айни вақтда уларнинг шогирдлари бутун республикамизда фаолият кўрсатяпти. Ишонманки, у кишининг яратиб кетган мактаби нафақат бугунги ёшларга, балки келгуси авлодларга ҳам хизмат қилади.

Ёлқин Тўрақулов том маънодаги ҳақиқий инсон эди. Унинг оғир-босиқлиги кўпчиликнинг ҳавасини келтирарди. Ёлқин Тўрақуловнинг шогирди, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, тиббиёт фанлари доктори, профес-

АГАР ҲАЁТ БИР
БОҒ БЎЛСА...

боғбон муаллим

Назира Ботирова ўз ишига масъулият билан ёндашади. Мактабидаги ҳар бир бола унинг учун фарзандидай азиз. У 23 йилдирки, Шовот туманидаги Ражаббой Бобоқонов номи мактабга директорлик қилади.

Назира опадан таълим олган ўқувчилар орасидан деҳқондан тортиб, ишчи, қурувчилар қаторида халқ дарадига малҳам бўлувчи шифокор, фаннинг ривожига улкан хисса қўшиб келган олимлар етишиб чиққан. Опа улар билан фахрланади. Чиройли гуллари мевали, манзарали дарахтлар ўқувчиларнинг кўрксиниб турибди. Бу инсон хизмат юзасидан қаерга бормасин бирон-бир гулли ёки дарахтнинг янги навларидан албатта, олиб келади. Шу боисдан бу ерга ташриф буюрган киши ўзини худди жаннат боғига тушгандай ҳис қилади. Табиат бурчагини беэза турган сайроқи қушлар, ранбаранг балчиқларни айтмай-сизми. Шубҳасиз, уларнинг барчаси болажонларнинг

она табиатга, қолаверса, жаннатмакон юртва бўлган меҳрини янада оштиради.

Ана шундай ажойиб масканда таълим-тарбия олаётган ўқувчилар ўқишда, жамоат ишларида вилоят мактаблари ўқувчилари орасида алоҳида ажралиб туришади. Жумладан, жорий йилда вилоятда ўтказилган «Сув экологияси» кўрик-танловида Д.Рўзимова биринчи ўринни эгаллади. Бундан ташқари «Табиат: кеча, бугун, эртага» республика кўрик-танловида мактаб жамоаси биринчи ўринни кўлга киритди. Шунингдек, «Гулла ва ташриф буюрган киши ўзини худди жаннат боғига тушгандай ҳис қилади. Табиат бурчагини беэза турган сайроқи қушлар, ранбаранг балчиқларни айтмай-сизми. Шубҳасиз, уларнинг барчаси болажонларнинг

мизнинг алоҳида ўрни бор, — дейди Назира опа Ботирова. — Олий тоифали ўқитувчи Матвафо Матқаримов нафақат ўқувчиларнинг, балки ёш ўқитувчиларнинг ҳам сеvimли устози. Шунингдек, Нилуфар Матқаримова, муаллимлар Инобат Раҳимова, Нигора Қодирберганова, Фазилат Абдураимова ва тўғрисида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин.

Қайси бир боғбон эканлиги кўкка буй чўзиб, ҳосилга кирганида қувонмайди. Мактабдаги жамоа ва ўқувчилар бир боғ бўлса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Назира Ботирова уларга боғбон. У ўз меҳнати самарасидан хурсанд холда ҳар йили мактабдан кўплаб ўқувчиларни ҳаёт сўқоқлари сари учирма қилиб, ўрнига юзлаб навниҳолларни олиб келади.

Р.РУСТАМОВА

МАКТАБ ЯРАТГАН
АЛЛОМА

қуловдек буюк инсонга миллатдош эканлигининг ниҳоятда фахрланганим.

Мана ниҳоят 2006

цина институтига ўқишга кирди. Ёлқин талабалик йилларида ҳам вақтини беҳуда ўтказмасди. Қачон қараманг, кўлида китоб.

логия институтининг директори этиб тайинланди. Унинг бундан бўёнги ижодий фаолияти ушбу билим маскани билан

сор Тўлқин Искандаров шундай хотирлайди:

— Ёлқин Холматович узоқ йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг медицина бўлимини бошқардилар. Тошкентдаги эндокринология институтига раҳбарлик ҳам қилардилар. Ўша пайтда ҳамкасблари орасида «ёзувчи» деб ном чиқарган бир врач устознинг устидан кетма-кет Соғлиқни сақлаш вазирлигига шикоят хатлари ёза бошлади. Мен бир сафар улардан бирини текшириш учун боргандим. Лекин, кўнгилни хижил қиладиган томони, улкан олим, ҳаммамизнинг устозимиз, давлат мукофотларининг лауреати... Шу нарсадан хижолат тортиб борганимда, бу зийрак инсон мени тўғри тушундилар. Ҳеч нарсани сезмагандек, хушчақчақлик билан биз учун барча шароитни яратиб бердилар. Ҳақиқий инсон бошига оғир иш тушганда ҳам оғир-босиқ бўла олишини ўшанда кўрганман. Охир-оқибат ҳалиги врач ҳам ўз хатоларини тўғри тушуниб етди.

Академик Ёлқин Тўрақулов туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган конференцияда аллома ҳаётига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ҳар сафар Ёлқин Тўрақуловнинг сиймоси кўринганда залдагилар уни қарсақлар билан олқишларди. Шунда мен ушбу илм фидойисини нафақат илмий кашфиётлари, балки инсоний хислатлари билан ҳам кўпчиликнинг қалбини забт этганлигини тушуниб етдим.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» муҳбири



Академик Ёлқин Тўрақулов шогирди, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Республика эндокринология институтининг директори Саид Исмоилов билан.

йил. Сергей билан яна Ўзбекистон Фанлар академиясининг мажлислар залида Ёлқин Тўрақулов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан ўтказилган йиғилишда учрашиб қолдим. Узоқ суҳбатлашдик. Албатта, маъруза буюк олим ҳақида эди.

— У жуда дилбар инсон эди, — дея хотирлайди Сергей Комиссаренко. — Мен унинг хонадонада бир неча бор меҳмон бўлганман. Ростини айтсам, унинг эндокринология ҳамда биохимия соҳасидаги билими ва мушоҳадасининг кенглигига ҳавасим келарди. Ишонч билан айтиш мумкинки, бу буюк инсон нафақат

Уша пайтларда ёш, зиёли кадрларга эҳтиёж катта бўлганлиги тўғрисида Ёлқин Тўрақулов Тошкент фармацевтика институтига директор этиб тайинлашди.

1937 йилдан бошлаб то умрининг охиригача у бутун фаолиятини илм-фан равнақига бағишлади. 1939 — 41 йилларда Тошкент медицина институтининг биохимия кафедрасида аспирантурада ўқиди. Уруш бошланган йили биринчилар қатори Ватан химоясига отланади. 1944 йили оғир яра-ланиб, жонажон шаҳри Тошкентга қайтади. 1945 йилда докторлик диссертациясини ёқлайди. 1961 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир

чамбарчас боғлиқдир. У ўз ижодий фаолияти давомида юздан зиёд докторлик ҳамда номзодлик ишларига раҳбарлик қилди. Бу ҳақда республика биохимия институти директори, академик Талват Соатов шундай дейди.

— Устоз илмга чанқоқ ёшларни жуда ҳурматлардилар. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, ёшларга буйруқ бермасдилар. Уларнинг кўлидан нима иш келса, шунга амалга оширишарди. Шу жараённинг ўзида Ёлқин Тўрақулов ёшларнинг ни-мага қодирлигини, унинг салоҳияти ҳамда истеъдодини пайқаб олиб, ўзига яраша муомала қилардилар. Эскилар айтмоқчи,

Sino Холодильники Кондиционеры Торговое Технологическое оборудование

- новейшие технологии
- современный дизайн
- удобство в эксплуатации

доступность
- гарантия надежности
- международные стандарты
качества и экологии

700010, г. Самарканд, ул. Спитамена, 270. Тел. (+998 662) 21-18-05, 21-20-34

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси